



2019 йил “ 4 ” апрель № ПҚ-4268 “ ” 20 г.

**Аграр секторни қишлоқ хўжалиги техникалари билан
ўз вақтида таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида**

Сўнги йилларда республикамизнинг аграр секторини халқаро стандартларга мувофиқ ҳамда мамлакат ҳудудларининг табиий иқлим ва тупроқ шароитларига жавоб берадиган замонавий маҳаллий ва хорижий қишлоқ хўжалиги техникалари билан таъминлаш бўйича фаол чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Хусусан, биргина 2018 йилда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларига, биринчи навбатда, фермер хўжаликлари, пахта-тўқимачилик ишлаб чиқаришни ташкил этувчилар ва кластерларга 33,7 мингдан ортиқ қишлоқ хўжалиги техникалари етказиб берилди. Бу эса 2017 йилги кўрсаткичлар билан таққослаганда 1,5 бараварга кўп.

Амалга оширилаётган чора-тадбирларга қарамадан, мавжуд қишлоқ хўжалиги техникаларининг 25 фоиздан ортиғи 15 йилдан ортиқ муддат мобайнида эксплуатация қилинмоқда, шу боис қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларини сифатли ва арзон техникалар билан таъминлаш устувор вазифа бўлиб қолмоқда ва давлат томонидан янада қўллаб-қувватлашни тақозо этади.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларини сифатли қишлоқ хўжалиги техникалари билан таъминлашни давлат томонидан молиявий қўллаб-қувватлаш механизмларини жорий этиш, шунингдек, ушбу жараёнга тижорат банкларининг молиявий маблағларини жалб этиш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳамда Иқтисодиёт ва саноат вазирлигининг қишлоқ хўжалиги соҳасидаги корхоналарнинг қишлоқ хўжалиги техникаларини харид қилишини давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг қуйидаги тартибининг жорий этиш тўғрисидаги таклифлари қабул қилинсин:

маҳаллий ғалла ўриш ва пахта териш техникаларини етказиб беришни молиялаштириш Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Қишлоқ хўжалигини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш жамғармасининг (кейинги ўринларда – Жамғарма) Ўзбекистон Республикаси Марказий банки қайта молиялаш ставкасининг 50 фоиздан ошмаган фоиз ставкаси бўйича ва қайтарилмиш муддати харажатлар қопланиши муддатига қараб 7 йилдан 10 йилгача бўлган қарз маблағлари ҳисобига амалга оширилади ҳамда молиялаштириш ҳажми Жамғарма даромадлари ва харажатларини шакллантиришда белгиланади;

қишлоқ хўжалиги соҳасидаги корхоналарнинг ғалла ўриш ва пахта териш техникасидан ташқари, республикада ишлаб чиқарилган барча турдаги тракторлар, ғалла ва пахта сеялкалари, шунингдек, уч ёки undan ортқ омоч корнусларини харид қилиш учун кредит ва лизинг шартномалари бўйича фоиз харажатлари тижорат банклари ва лизинг компаниялари томонидан белгиланган фоиз ставкасининг **10 фоизлик пункти миқдорида Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан қопланади.** Бунда, фоиз харажатларини қоплашнинг ушбу миқдори Ўзбекистон Республикаси Марказий банки қайта молиялаш ставкасининг ўзгаришига қараб Молия вазирлиги томонидан қайта кўриб чиқилиши мумкин.

2. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги:

а) **2019 йилда, эксперимент тариқасида, Жиззах, Қашқадарё, Сурхондарё, Сирдарё ва Тошкент вилоятларидаги қишлоқ хўжалиги корхоналари томонидан пахта териш ишларига жалб қилинадиган пахта териш машиналари хизматидан фойдаланганлик учун харажатларнинг 30 фоизини қонлаб беришни таъминласин;**

б) Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги билан биргаликда пахта териш машиналари хизматига ҳақ тўлаш харажатларини қоплаб бериш бўйича эксперимент натижалари асосида 2019 йил 1 декабрга қадар ушбу амалиётни мамлакатнинг бошқа ҳудудларига татбиқ этиш юзасидан асослангирилган таклифларни киритсин;

в) 2019 йил 20 апрелга қадар:

мазкур қарорда назарда тутилган давлат томонидан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирларини амалга ошириш тартибини ишлаб чиқсин ва тасдиқлаш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

“Ўзагролизинг” АЖ, “Ўзмашлизинг” МЧЖ ва қишлоқ хўжалиги техникаси ишлаб чиқарувчилари ўртасидаги 2018 йилнинг IV чорагида лизинг асосида етказиб берилган техникалар учун ўзаро ҳисоб-китобларни амалга оширишга 155,6 млрд. сўм миқдоридаги маблағлар Жамғарма маблағлари ҳисобидан ажратилишини таъминласин.

3. АТ “Халқ банки” ва “Микрокредитбанк” АТБнинг Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 4 майдаги “Ўзбекистон Республикаси акциядорлик тижорат Халқ банки ва “Микрокредитбанк” акциядорлик тижорат банкининг молиявий ҳолатини яхшилаш ҳамда фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–3694-сон қарорига мувофиқ уларнинг устав капиталига йўналтирилган маблағларнинг **30 фоизини 2019 йилда маҳаллий қишлоқ хўжалиги техникаларини харид қилиш учун мақсадли кредитлар ажратишга йўналтириш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.**

4. Маҳаллий ишлаб чиқарувчилар томонидан қишлоқ хўжалиги техникаларини сотишдан тушган маблағлар **2020 йил 1 январга қадар қўшилган қиймат солиғидан озод этилсин.**

Белгилансинки, 2020 йил 1 январга қадар лизинг компаниялари ва тижорат банклари учун қўшилган қиймат солиғи лизинг хизматлари қисмида қўшилган қиймат солиғидан озод қилинган, шу жумладан импорт қилинган лизинг объектини сотиб олиш нархи ва сотиш нархи ўртасидаги ижобий фарқдан ҳисобланади.

5. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги бир ой муддатда қишлоқ хўжалиги техникалари маҳаллий ишлаб чиқарувчиларига йиллик 5 фоиз ставкада, шу жумладан тижорат банкининг 1 фоиз маржасини инобатга олган ҳолда мақсадли кредитлар ажратиш учун 50,0 млн АҚШ долларини тижорат банкларига уларнинг буюртманомалари асосида икки йил муддатга депозит сифатида жойлаштирсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

бир ой муддатда 2019–2021 йилларда маҳаллий ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги техникаларини лизинг асосида етказиб беришни молиялаштириш мақсадида ҳар йили 100 млн АҚШ долларидан кам бўлмаган миқдорда халқаро молия институтлари ва хорижий ҳукумат молия ташкилотларининг узок муддатли имтиёзли кредит линиялари жалб қилинишини таъминласин;

мамлакатда қишлоқ хўжалиги техникалари учун эҳтиёт ва бутловчи қисмларни ишлаб чиқаришни ташкил этишга қаратилган инвестиция лойиҳаларининг жадал амалга оширилиши устидан тизимли мониторинг ўрнатсин ва бунда “Ўзагротехсаноатхолдинг” АЖга амалий ёрдам кўрсатсин.

7. “Ўзагротехсаноатхолдинг” ва “Ўзагросервис” акциядорлик жамиятлари ҳамда уларнинг таркибига кирувчи корхоналар бошқарув органлари, Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлигининг танлов асосида энг яхши таклифларни ажратиб олиш йўли билан:

“Ўзагротехсаноатхолдинг” АЖнинг хўжалик жамиятлари устав капитали (фонди)даги улушларини корхоналарнинг асосий фаолияти турини сақлаб қолиш шарти билан 1-иловага мувофиқ;

худудий “Агросервис МТП” МЧЖнинг машина-трактор парклари устав капитали (фонди)даги улушларини тадбиркорлик субъектларига баҳолаш қийматида машина-трактор паркларининг асосий фаолияти тури (механизация ва сервис хизматларини кўрсатиш)ни сақлаб қолиш ва 5 йил муддатга бўлиб тўлаш шарти билан 2-иловага мувофиқ сотиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

8. Белгилаб қўйилсинки:

“Ўзагротехсаноатхолдинг” АЖнинг хўжалик жамиятлари устав капитали (фонди)даги улушини 1-иловага мувофиқ сотишдан тушган маблағлар “Ўзагротехсаноатхолдинг” АЖнинг инвестиция лойиҳаларини амалга оширишга йўналтирилади;

машина-трактор парклари сотилмаган тақдирда, бошлангич нархни улар сотувга қўйилган санадан икки ой ўтгач ҳар 15 кунда босқичма-босқич 10 фоизга камайтириш механизмининг қўллаган ҳолда, аммо номинал қийматдан кам бўлмаган нархда оммавий сотувга қўйилади.

9. Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги хўжалик жамиятларининг устав капиталидаги улушларни баҳолаш ҳамда уларни сотиш бўйича танловларни эълон қилиш ва ўтказишда шаффофликни таъминлашда “Ўзагротехсаноатхолдинг” АЖ ва “Ўзагросервис” АЖга ҳар томонлама кўмаклашсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ва “Ўзагротехсаноатхолдинг” АЖ билан биргаликда бир ой муддатда тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилган ҳолда **қишлоқ хўжалиги техникалари учун бутловчи ва эҳтиёт қисмларни ишлаб чиқаришни кенгайтириш** ҳамда 2021 йилнинг охирига барча турдаги қишлоқ хўжалиги техникаларини ишлаб чиқаришда маҳаллийлаштириш даражасини камида 40 фоизга етказишни назарда тутувчи **“Йўл харитаси”**ни ишлаб чиқсин ва Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

11. “Ўзагротехсаноатхолдинг” АЖ, “Ўзагролизинг” АЖ тижорат банклари ва қишлоқ хўжалиги корхоналари билан биргаликда бир ой муддатда маҳаллий ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги техникаларини харид қилиш бўйича буюртмалар портфелини шакллантирсин.

12. Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси мазкур қарорда назарда тутилган чора-тадбирларнинг ўз вақтида молиялаштирилиши устидан қатъий назорат ўрнатсин.

13. Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги, шунингдек, Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон миллий ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситалари ушбу қарор қондаларининг кенг ёритилишини таъминласин.

14. “Ўзагротехсаноатхолдинг” АЖ Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Молия вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

15. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари З.Ш. Низомиддинов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**



Ш. Мирзиёев

Тошкент шаҳри

**Устав капиталлари (фондлари)даги “Ўзагротехсаноатхолдинг” акциядорлик
жамиятининг улушлари корхонанинг асосий фаолиятини сақлаб қолиш
шарти билан сотиладиган хўжалик жамиятлари рўйхати**

Т/р	Ташкилотнинг номланиши	Сотиладиган улуш ҳажми, фоизда
1.	“Агрегат заводи” АЖ	99,2
2.	“Технолог” АЖ	98,8
3.	“Чирчик қишлоқ хўжалиги техникаси заводи” АЖ	91,7
4.	“Ургенчкормаш” АЖ	26,0
5.	“Агросаноатмашинвест” МЧЖ	100
6.	“Агротехмаш-ДД” МЧЖ	100
7.	“Агромаш саноат инвест” МЧЖ	76,0
8.	“Castle in mountain” МЧЖ	50,0
9.	“Радуга” БСО	100
10.	“Белдирсой» БСО	100

**Устав капиталлари (фондлари)даги худудий "Агросервис МТП" МЧЖларнинг
улуши тадбиркорлик субъектларига сотиладиган машина-трактор парклари
рўйхати**

Т/р	Худуд	Машина-трактор паркларининг номланиши
1.	Коракалпоғистон Республикаси	"Беруни Агросервис МТП" МЧЖ
2.		"Элликкальа Агросервис МТП" МЧЖ
3.		"Амударё Агросервис МТП" МЧЖ
4.	Андижон вилояти	"Баликчи Агросервис МТП ва ИСМ" МЧЖ
5.		"Бўз Агросервис МТП" МЧЖ
6.		"Жалақудук Агросервис МТП" МЧЖ
7.		"Izboskan Agroservis MTP" МЧЖ
8.		"Улугнор Агросервис МТП" МЧЖ
9.		"Мархамат Агросервис МТП" МЧЖ
10.		"Хўжаобод Агросервис МТП" МЧЖ
11.		"Шаҳрихон Агросервис МТП" МЧЖ
12.		"Кўргонтепа Агросервис МТП" МЧЖ
13.		Бухоро вилояти
14.	"Жондор МТП Агросавдосервис" МЧЖ	
15.	"Ромитан МТП Агросавдосервис" МЧЖ	
16.	"Когон Агросервис МТП" МЧЖ	
17.	"Қоракўл МТП Агросавдосервис" МЧЖ	
18.	"Олот МТП Агросавдосервис" МЧЖ	
19.	"Шофиркон МТП Техсервис" МЧЖ	
20.	Жиззах вилояти	"Ш.Рашидов МТП ИСМ" МЧЖ
21.		"Дўстлик Агросервис МТП ИСМ" МЧЖ
22.		"Зарбдор Агросервис МТП" МЧЖ
23.		"Пахтакор Агросервис МТП" МЧЖ
24.	Қашқадарё вилояти	"Қарши Агросервис МТП ва ИСМ" МЧЖ
25.		"Косон Агросервис МТП" МЧЖ
26.		"Қамаши Агросервис МТП" МЧЖ
27.		"Бахористон Агросервис МТП" МЧЖ
28.		"Миришкор Агросервис МТП" МЧЖ
29.		"Мўғилон Агросервис МТП" МЧЖ

30.		"Касби Агросервис МТП" МЧЖ
31.		"Шахрисабз Агросервис МТП" МЧЖ
32.		"У.Юсупов Агросервис МТП" МЧЖ
33.		"Яккабоғ Агросервис МТП" МЧЖ
34.	Навоий вилояти	"Кармана Агротехсервис МТП ва ИСМ" МЧЖ
35.		"Хатирчи Агротехсервис МТП" МЧЖ
36.		"Қизилтепа Агросервис МТП" МЧЖ
37.		"Навбахор Агротехсервис МТП" МЧЖ
38.		"Конимех Агросервис МТП" МЧЖ
39.	Наманган вилояти	"Мингбулоқ туман Агросервис МТП ва ИСМ" МЧЖ
40.		"Поп туман Агросервис МТП" МЧЖ
41.		"Наманган туман Агросервис МТП" МЧЖ
42.		"Норин туман Агросервис МТП" МЧЖ
43.		"Уйчи туман Агросервис МТП ва ИСМ" МЧЖ
44.		"Учкурғон туман Агросервис МТП" МЧЖ
45.		"Чортоқ туман Агросервис МТП" МЧЖ
46.		"Чуст туман Агросервис МТП" МЧЖ
47.	Самарқанд вилояти	"Иштихон Агросервис МТП" МЧЖ
48.		"Каттаминг Агросервис МТП" МЧЖ
49.		"Nurobod tuman Agroservis MTP" МЧЖ
50.		"Гузалкент Агросервис МТП" МЧЖ
51.		"Пахтачи Агросервис МТП" МЧЖ
52.		"Нарпай Агросервис МТП" МЧЖ
53.		"Пайарик Агросервис МТП" МЧЖ
54.		"Челак Агросервис МТП" МЧЖ
55.		"Оқдарё Агросервис МТП" МЧЖ
56.		"Жомбой Агросервис МТП" МЧЖ
57.	Сурхандарё вилояти	"Ангор Агросервис МТП 2017" МЧЖ
58.		"Қизирик Агросервис МТП 2017" МЧЖ
59.		"Denov Agroservis va ISM MTP" МЧЖ
60.		"Кумкўргон Агросервис МТП 2017" МЧЖ
61.		"Олтинсой Агросервис МТП 2017" МЧЖ
62.		"Узун Агросервис МТП 2017" МЧЖ
63.		"Шўрчи Агросервис МТП 2017" МЧЖ
64.	Сирдарё вилояти	"Агросервис Мирзаобод МТП" МЧЖ
65.		"Агросервис Сардоба МТП" МЧЖ

66.		"Агросервис Сайхунобод МТП ва ИСМ" МЧЖ
67.		"Ховос Агросервис МТП" МЧЖ
68.	Тошкент вилояти	"Бўка Агросервис МТП ва ИСМ" МЧЖ
69.		"Piskent Agroservis MTP" МЧЖ
70.		"O`rtachirchiq Agroservis MTP" МЧЖ
71.		"Оккўргон Агросервис МТП" МЧЖ
72.		"Quyichirchiq Agroservis MTP va ISM" МЧЖ
73.		"Чиноз Агросервис МТП" МЧЖ
74.		Фарғона вилояти
75.	"Beshariq mashtex" МЧЖ	
76.	"Texmashservis" МЧЖ	
77.	"Chimyon mashtexservis MTP" МЧЖ	
78.	"Yangiobod mashtexservis" МЧЖ	
79.	"Furqat mashina traktor parki" МЧЖ	
80.	"Bagdod mashholding" МЧЖ	
81.	"Rishton MTP" МЧЖ	
82.	"Toshloq mashina-traktor parki" МЧЖ	
83.	Хоразм вилояти	"Хазорасп МТП" МЧЖ
84.		"Хонқа МТП" МЧЖ
85.		"Хива МТП" МЧЖ
86.		"Шовот МТП" МЧЖ

